

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 14-мартан 19- мартгача)

№29

Тошкент – 2015

ХАЛҚИМИЗ ҒУРУРИ ВА ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ.

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кенг нишонланадиган йилга тўғри келганида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, элни қарамлик исканжасидан халос этган, кучли марказлашган давлатга асос солган Соҳибқирон бугун халқимизнинг ғурур-ифтихори, бекиёс қудрати тимсолига айланган. Амир Темур халқимиз даҳосининг ёрқин тимсолидир. Миллий давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганиш ва ҳолисона тадқиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида Амир Темур шахси, унинг жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр топди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1993 йили пойтахтимизда Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. 1996 йилда Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Амир Темур хиёбонига туташ ҳудудда Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди. Шу йили Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка, тарғиб қилмасликка ҳаққимиз йўқ. Бинобарин, улуғ аждодимизнинг ўзи яшаган замонга, шу даврда Осиё ва Европа китъаларида рўй берган, жуда катта тарихий аҳамиятга молик ўзгаришларга олиб келган воқеа-ҳодисаларга ҳал қилувчи таъсири, унинг бу жараёнлардаги роли наинки тарихчи ва сиёсатчилар, ҳарбий илм мутахассислари, бадиий ижод аҳли, балки кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ҳали-ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда. Собиқ тузум даврида буюк Соҳибқирон номига ва унинг фаолиятига, фан, маданият, бунёдкорлик соҳасидаги ва бошқа жабҳалардаги оламшумул ишларига бир ёқлама баҳо берилди.

Шукрки, истиқлолга эришганимиздан кейин Президентимиз раҳнамолигида жаҳон тамаддунида муносиб из қолдирган кўплаб алломаларимиз қатори Амир Темур номи, шаъну шавкати ва мероси ҳам қайта тикланди.

...1996 йил 8-9 апрель кунлари “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни” мавзуида Қарши шаҳрида бўлиб ўтган фонднинг биринчи конференцияси иштирокчиларининг юзларидаги мамнунлик, қалбларидаги ҳаяжон ҳали ҳам кўз

ўнгимизда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир. Мамлакатимиз худудида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида Амир Темур ва темурийлар даврига оид ноёб ашёлар топилмоқда. Масалан, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидан, Сирдарё соҳилидаги қадимий Шоҳруҳия қалъаси вайроналаридан кўплаб кулолчилик, мисгарлик, шишасозлик ашёлари топилган. Уларнинг орасидаги пўлат совут ва дубулға бўлаклари темурийлар даври ҳарбий санъатини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

ХИТОЙ АДИБИНИНГ АСАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида машҳур хитой ёзувчиси Лао Шэнинг «Мушуклар шаҳри хотиралари» номли асарининг ўзбек тилидаги нашри тақдироти бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида маданий-гуманитар соҳада ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институти ташкил этилгани, Хитой миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими фаолият юритаётгани, Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилгани бу ҳамкорлик тобора ривожланаётганидан ҳамда Ўзбекистонда хитой тили ва адабиётига, Хитойда ўзбек тили ва адабиёти, маданияти ва урф-одатларига қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Хитойда ўтказилаётган турли кўргазмалар, анжуманларда фаол иштирок этмоқда. «Ўзбекистон – Хитой» ва «Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Ўзбекистон ва Хитой халқларининг кўп асрлик дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида юртдошларимизни ушбу мамлакатнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари ижодидан баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва «Davr Press» нашриёт-матбаа уйи ҳамкорлигида Хитой замонавий адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган машҳур ёзувчи Лао Шэнинг «Мушуклар шаҳри хотиралари» номли асари ўзбек тилида чоп этилди. 1899-1966

йилларда яшаб ижод қилган адибнинг мазкур асари чуқур фалсафий маънога эга. Ушбу роман-памфлетдаги воқеалар Марс сайёрасида содир бўлса-да, ёзувчи XX асрнинг биринчи чорагида рўй берган воқеаларни тасвирлаган. Китобдан асарнинг яратилиш тарихи, Лао Шэнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар, унинг ҳикматли сўзлари ҳам ўрин олган.

ШХТ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЎБИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2016 йил 21 январдаги Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги доирасидаги бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ мамлакатимизда ушбу йирик анжуманни юқори савияда ўтказиш учун изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳозирги шиддат билан ўзгараётган замонда халқлар фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган нуфузли халқаро ташкилотдир. Мана, 15 йилдирки, ШХТга аъзо давлатлар ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида самарали лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жаҳон ҳамжамияти эътиборини бутун дунёга таҳдид солиб турган халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарларнинг олдини олишга даъват этаётир. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи мартаба раислик қилмоқда. Мамлакатимиз ушбу ташкилотга илк бор 2003-2004 йилларда раислик қилган. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг саммитида ШХТ фаолиятининг икки асосий йўналиши – хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинган. Президентимиз Ислон Каримов ушбу саммитда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича юксак самарали ғоя ва таклифларни илгари сурди. Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатар ошиб бораётган бир шароитда бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва биринчи навбатда углеводород захиралари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келаётганини

таъкидлади. Афғонистондаги тикланиш жараёни билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

ШХТнинг Тошкентда ўтган саммитида Афғонистондаги вазият муҳокама этилган долзарб масалалардан бири бўлди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мазкур анжуманга Афғонистоннинг ўша пайтдаги муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида илк бор таклиф қилинди ва бу ташаббус кейинчалик анъанага айланди. Зеро, Афғонистон раҳбарининг бевосита муҳокама жараёнида иштирок этиши вазиятни тўғри баҳолаш ва ҳар томонлама мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этди.

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИГА ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ

«Ўзавтосаноат» АК мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни хориж бозорларига йўналтириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Дунёнинг бир нечта давлатига, жумладан, Гана, Габон, ЖАР, Миср, Ангола, Кабо-Верде, Мадагаскар ва Кот-д'Ивуарга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар синов тариқасида етказиб берилди. Давлат Рақобат қўмитаси: Ўзбекистонда автомобил олди-сотдиси осонлаштирилади. Давлат Рақобат қўмитаси ва «Ўзавтосаноат» АЖ GM Uzbekistan томонидан ишлаб-чиқариладиган автомобиллар олди-сотдиси намунавий шартномасига ўзгартириш киритиш масаласи устида ишлашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда шундай ҳолат вужудга келган: GM Uzbekistan расмий дилеридан автомобил харид қилмоқчи бўлган шахс, нархнинг 85 фоизини аванс тариқасида тўлаши шарт, қолган пуллар эса автомобилни олиб чиқиш жараёнида тўланади.

GM Uzbekistan ҳозирги кунда Асака ва Хоразмдаги заводларида 12 хил автомобиль ишлаб чиқаради: беш хил седан — Nexia, Cobalt, Lacetti, Genra ва Malibu, икки кичик автомобиль — Matiz ва Spark, минивэн Orlando, универсал Captiva, микроавтобус Damas ва унинг юк ташишга мослашган кўриниши Labo.

GM Uzbekistan йилига 200 мингдан ортиқ автомобиль ишлаб чиқармоқда. 2014 йилдаги кўрсаткич 245,7 минг донани ташкил этган. 2016 йилнинг 1 март куни ҳолатига кўра тармоқда 27 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

КЕМПИНГ, МЕҲМОНХОНА ВА ПАНСИОНАТЛАР ҚУРИЛАДИ

2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида жами 30 та кемпинг, 50 та меҳмонхона ва 20 та пансионат барпо этилади. Жорий йилда давлат структурасида 15 та, 2017 йилда 35 та, 2018 йилда 35 та ва 2019 йилда яна 15 та объект барпо этилади. Қишлоқ минтақаларида агротуризмни ривожлантириш мақсадида юзлаб кемпинглар қурилиши кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ БЕРЛИНДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Германия пойтахти Берлин шаҳрида 9 март куни очилган “ITB Berlin – 2016” халқаро туризм кўرғазмасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти кенг намоиш қилинмоқда. Мамлакатимизда яратилган замонавий туризм инфратузилмаси, ранг-баранг маршрутлар ва сифатли хизматлар сайёҳлар учун кенг қулайликлар яратмоқда. “Ўзбектуризм” миллий компанияси халқаро сайёҳлик ярмаркаларида юртимизнинг бу борадаги имкониятларини фаол тарғиб этиб келмоқда. Жорий йилнинг ўзида Испания, Италия, Нидерландия, Бельгия, Латвия каби мамлакатларда ўтказилган кўрғазмаларда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти кенг намоиш этилди.

“ITB Berlin” туризм соҳасидаги энг нуфузли кўрғазмалардан биридир. Бу йил унда дунёнинг турли мамлакатларидан юзлаб фирма ва компания иштирок этмоқда. Мазкур форум сайёҳлик саноатининг кўплаб замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган бўлиб, унда оилавий саёҳат, ёшлар туризми, сайёҳлик технологияси, экотуризм, бадий ва маданий сайёҳлик, сайёҳлик бизнеси, ахборот технологиялари, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, авиаташув каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар ишлаб турибди.

“Ўзбектуризм” миллий компаниясидан маълум қилишларича, мазкур халқаро ярмаркада “Ўзбектуризм”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Ўзбекистон темир йўллари” ҳамда ўндан зиёд хусусий компания мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини намоиш этмоқда. Ярмарка иштирокчилари мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари, таклиф этилаётган хизматлар, меҳмонхоналар, сайёҳлик

операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумотлар билан танишмоқда.

Форумдан жой олган, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида тайёрланган “Ўзбекистон” миллий стенди ўзига хос янги дизайни, безаклари ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортмоқда. Юртимизнинг бетакрор табиати ва тарихий обидалари акс этган экспонатлар, халқ хунармандлиги буюмлари хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Хунармандларимиз томонидан миниатюра чизиш бўйича ўтказилаётган маҳорат дарслари, миллий куй-қўшиқларимиз ва ранг-баранг рақслар ижроси, серкӯёш заминимизда етиштирилган сархил мевалар ҳамда ўзбекона таомлар йиғилганларга ғоят манзур бўлаётир. “ТТВ Berlin” кўргазмаси мамлакатимиз сайёҳлик хизматларини халқаро туризм бозорларига таклиф этиш, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, манфаатли шартномалар тузиш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

УКРАИНА ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДА ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ ТУЗИЛАДИ

Туркия президенти Реджеп Тайип Эрдоғон Украина билан умумий эркин савдо маконини яратиш бўйича музокараларни 2016 йилда якунлаш ва бу борада ўзаро шартнома имзоланиши лозимлигини маълум қилди. Туркия президенти бу ҳақда Анқара шаҳрида икки давлат делегациялари аъзолари иштирокида чоршанба куни бўлиб ўтган музокаралардан сўнг Украина президенти Петр Порошенко билан биргаликда ташкил этилган қўшма матбуот конференцияси чоғида маълум қилиб, шундай таъкидлади: “Биз эркин савдо зонаси тўғрисидаги битим жорий йилда имзоланишига катта аҳамият ва устуворлик берамиз”. Украина ва Туркия 2020 йилда ўзаро товар айрбошлаш ҳажмини 20 млрд долларга етказишни мақсад қилган бўлиб, бунинг учун эркин савдо шартномаси тезроқ имзоланиши, иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ва инвестициялар тўғрисидаги битим эса янгиланиши лозим.

Украина ва Туркия ўртасида эркин савдо зонасини барпо этиш бўйича музокараларни 2016 йилда якунлаш вазифаси чоршанба куни бўлиб ўтган юқори даражадаги Стратегик Кенгашнинг 5-йиғилиши қўшма баённомасидан ўрин олди.

АНҚАРА ШАҲРИ МАРКАЗИДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ СОДИР БЎЛДИ

Туркия пойтахти Анқара шаҳрида кучли портлаш содир бўлди. NTV телеканали маълумотига кўра, бу кучли портлаш туфайли жароҳатланганлар ва ҳалок бўлганлар бор.

Маълум қилинишича, портлаш пойтахтнинг Қизилой даҳасидаги Гувен-парк хиёбони ҳудудида Тошкент вақти билан соат 21:45да рўй берган. Портлашдан кейин ҳудуддаги бир қанча машиналар ёна бошлаган.

Ҳозирда полициячилар ҳудудни ўраб олишган.

Маҳаллий ОАВ бу портлаш теракт экани ҳақида ва қурбонлар сони кўплиги ҳақида ёзишмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, портлаш автомобилга ўрнатилган портловчи модда ҳаракатга келтирилиши орқали содир этилган.

ИШИД 3 ҲАФТА ИЧИДА СУРИЯДА КАТТА ТАЛОФАТЛАР КЎРДИ

АҚШ Давлат котиби Жон Керри ИШИД террорчилик гуруҳи охириги 3 ҳафта ичида Сурияда 3 минг квадрат километр ҳудудни йўқотганини маълум қилди. Керри бу ҳақда Ливия, Сурия, Яман ва Украинадаги вазият муҳокама қилинган Париждаги учрашувда маълум қилди. Керри кўрсатилган давр ичида 600 нафар жангари йўл қилинганини ва ИШИД жангариларига қарши босим янада кучайтирилишини айтиб ўтди.

БААДА ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

2015 йилда БААнинг Дубай шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот маросимида дунёнинг 20 та мамлакатидан келган дистрибьютор иштирок этган. Тақдимотда, хусусан, Миср, Жазоир, Уммон, Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Ливан, Иордания, БАА ҳамда Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари вакиллари қатнашди.